


Жумбоқнинг ечими Қуръондан топилди



11:11 / 19.12.2021 6191

Омина деган аёл бор эди. Ҳар куни Қуръон ўқир, имкони етганича оятлардан ёдлар эди. Икки қизини ҳам узатиб, эри билан ёлғиз яшарди.

Бир куни эрига “Бориб, қизларингиздан хабар олиб келмайсизми?” деди. Қизларидан бири эри билан деҳқончилик қилар, иккинчиси лойдан ғишт қуйиб сотишарди.

Ота қизларидан хабар олиш учун йўлга тушди. Биринчи деҳқончилик билан шуғулланадиган қизининг уйига борди. Ҳол-аҳвол сўради, меҳмон бўлди. Кейин қизидан: “Болам, қийналмаяпсизларми?” деб сўради. Қизи: “Йўқ, отажон. Тинч яшаяпмиз. Бу йил катта деҳқончилик қилдик. Уруғларни экиб бўлдик. Энди бир дуо қилсангиз, Аллоҳ таоло бизга ёмғир берса” деди. Ота дуога қўл кўтариб, Аллоҳ таолодан баракали ёмғир сўради.

Шундан сўнг қизи билан хайрлашиб, нариги қизиникига борди. Ундан ҳам ҳол-аҳвол сўради, меҳмон бўлди. Кейин ундан: “Болам, қийналмаяпсанми?” деб сўради. Қизи: “Йўқ, отажон. Эрим билан тинч яшаяпмиз. Шу кунларда кўп миқдорда ғишт қуйдик. Шунга Аллоҳ таолога дуо қилсангиз, ёмғир ёғмай турсаю, биз ғиштаримизни сотиб олсак” деди. Ота қўлларини дуога очиб, Аллоҳ таолодан қизининг мушкулини осон қилишини сўради. У билан ҳам хайрлашиб, уйга қайтди.

Уйга келиб, бироз дам олди. Кейин аёли ундан “Қизларингиз тинч ўтирган эканми?” дея сўради. Эри “Ҳа, ўтиришибди. Бири ёмғир кутяпти, бошқаси эса ёмғир ёғмаса эди” деб турибди. Иккови учун ҳам дуо қилиб келдим.

Ёмғир ёғмаса, каттасининг аҳволи нима кечади, бордию ёғса, кичигининг аҳволи нима бўларкин” деди. Шунда аёл: “Сиз Қуръон билан ошно бўлмайсиз-да! Ҳар куни Қуръон ўқиганингизда бундай хаёл билан ноилож қолмаган бўлардингиз, муаммонинг ечимини топган бўлардингиз. Ахир Қуръонда бу муаммонинг ечими бор-ку!” деди. Эр қизиқиб, “Қандай ечими бор?” деб сўради. Аёл: “Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай деган” деб мана бу оятни ўқиб берди:

يَرْتَفِ أَمْ أَكْرُهُمْ لَعَجَّيْ مُثْ هَنْبِيْبُ فُلْؤِيْ مُثْ اَبَاحَسْ يَجْزِيْ لَلْاِنَّ اَرَ تَمَلْا
دَرْبِ نِم اَهِيْ فِ لْاَبِجِ نِم اءَمَّسَلْا نِم لَزْنِيْ وِ وِلْاَلْخِ نِم جُحْيِ قَدْوَلْا
بُهَدْيِ وِقَرْبِ اَنْسِ دَاكِيْ اَشْيِ نِّم نَعُ هُفْرُصَيِ وُ اَشْيِ نِم وِبُ بِيْصِيْفِ
رَاَصْبِ اَلْاِبِ

«Аллоҳнинг булутларни ҳайдашини, сўнгра уларни бирлаштиришини, сўнгра уларни устма-уст қалаштиришини кўрмадингизми? Сўнгра (булут) орасидан ёмғир чиқаётганини кўрасиз. (Аллоҳ) осмондан - ундаги тоғ (булут)лардан дўл ёғдириб, уни ўзи хоҳлаган кишиларга етказур ва ўзи хоҳлаган кишилардан буриб юборур. Чақмоғининг ёруғлиги кўзларни кетказгудекдир»
(Нур сураси, 43-оят).

Эр дарҳол Аллоҳга шукр саждасини қилди ва қўлини дуога очиб: “Эй Роббим, ёишт қуйган қизимдан ёмғирни буриб юбор, деҳқончилик қилган қизимга барака ёмғирингни ёғдир” дея дуо қилди.

Аёлининг фаросати, ҳозиржавоблигидан хурсанд бўлди. Кейин унга шундай солиҳа жуфт насиб этгани учун Аллоҳ таолога ҳамду санолар айтди.

Ота кейинчалик қилган дуосининг ижобатини кўрди. Деҳқончилик билан шуғулланувчи қизи яшайдиган томонда ёмғир ёғди, ёишт қуйиш билан шуғулланувчи қизи яшайдиган минтақада ёфингарчилик кузатилмади.

Шайх Муҳаммад Мутаваллий Шаъровий раҳимаҳуллоҳнинг мавъизаларидан Нозимжон Ҳошимжон таржимаси